ТЕРИМ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 180 (4896).

12 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1973 ИЙЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ

Республикамиз областларида пахта йиғим-терими қуи сайин қизғин тус олмоқда. Қашқадарё, Сурхондарё ва Андижон областларининг миришкор деҳқонлари кунига 2 процентга етказиб, айрим районлар эса 3 процентдан ошириб «оқ олтин» тайёрламоқдалар. Йиғим-теримга пухта ҳозирлик билан киришган районларда эса йиллик план 30 процентдан ошиб кетди. Азамат механизаторларимиз бункерларидан дастлабки тонналарни Ватан хирмонларига тўкдилар.

Ҳамма ерда иш қизғин. Теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Тошкент областининг колхозлари ва совхозларида ҳам пахта терими бошлаб юборилди. Чиноз, Пискент ва бошқа районларда кунига 120—150 килограммдан ошириб «оқ олтин» тераётган азаматлар қатори кўпайиб бормоқда. «Зангори кема» капитанлари ўз агрегатларини катта жангга тахт қилиб қўйдилар. Дефолиация қилинган майдонларда пахта чамандек очилмоқда. Пахта пунктларида янги ҳосилдан янги хирмонлар кўкка бўй чўзмоқда.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети колхозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларининг бу йилги ҳосилни териш ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш юзасидан қабул қилган қарорида пахтакорлар олдида турган вазифалар аниқ ва конкрет кўрсатиб берилган. Ҳар бир ишни қайси муддатларда бажариш, район, шаҳар ва область партия, совет, хўжалик ташкилотларининг диққат-эътибори партия ва ҳукумат қарорларини изчиллик билан бажаришга қаратилган. Лекин жойлардаги аҳвол шу нарсани кўрсатмоқдаки, айрим колхозлар ва совхозлар ҳамда район раҳбарлари йиғим-терим ишларини кўчайтириш юзасидан ўзлари белгилаган тадбирларни, берган ваъдаларни унутиб қўймоқдалар.

Пахтаси машинада териладиган майдонлар аллақачонлар дефолиация қилиниши керак эди. Афсуски бу ғоят муҳим иш Чиноз, Янгийўл, Урта Чирчиқ, Оққўрғон ва бошқа районларда чўзиб юборилаётир. Асосий пахтакор районлар ҳисобланган бу жойларда дефолиация плани 40—60 процент ўртасида бажарилган. Ғўза баргларини тўктириш учун турли химикатлар етарли миқдорда ҳозирланган, самолётлар ва ерда юриб дори сепадиган машиналар етарли бўлган бир шароитда дефолиациянинг кечиктириб юборилаётганлигига ҳеч қандай асос йўқ. Республиканинг Сирдарё ва бошқа областларида бу иш тугалланай деб қолди. Лекин Тошкент областида план энди 70 процентга яқин бажарилди, холос.

Бу йилги об-ҳаво шароити ҳамма ерда ғўзаларнинг мўл ҳосил тўплашини ва тез пишиб етилишини таъминлади. Областимиз 70 процентдан ортиқ пахтани машинада, қолган қисмини эса колхоз ва совхозларнинг ўз кучи билан териб олиши керак. Кенг майдонларда миллион-миллион чаноқлардан булоқдек қайнаб чиқаётган олтин дурдоналар чаққон қўлларни кутмоқда. Илғор хўжаликларда қўл терими кучайтириб юборилди. Хирмонга ҳар куни йиллик планнинг 1,5—2 процентидан миқдорида пахта топширилмоқда. Афсуски ҳамма ерда ҳам йиғим-терим қизғин тус олган эмас. Асосий пахтакор район ҳисобланган Оққўрғонда, Юқори Чирчиқ районида шу кунгача давлатга бир килограмм ҳам пахта топширилмаганлигини нима деб баҳолаш керак! Тўғри, бу районларда пахтанинг 80—90 проценти машинада терилади. Қўл билан териладиган майдонлар ҳам бор-ку. Уни қачон терасиз?

Сентябрнинг ярми тугаяпти. Об-ҳаво яхши келмоқда. Шундай шароитда пахта йиғим-теримини ҳартарафлама уюшқоқлик билан қизғин кучайтириб юбориш — колхозлар, совхозлар ва районлар олдида турган ғоят муҳим сиёсий вазифадир. Ҳамма ерда социалистик мусобақани кенг қанот ёйдирайлик. Теримчиларни, машина ва агрегатларни тезроқ ишга тушириб, партия ва Ватан олдидаги юксак социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажариш учун ғайрат ва шижоат кўрсатайлик. Бунинг учун дефолиацияни қисқа муддатларда юқори сифатли ўтказиб, терим агрегатларининг кенг фронт бўйлаб ишлашини таъминлайлик. Ҳар бир гектар ер текшириб чиқилиши, лозим топилган жойларда қайта дефолиация ўтказилиши керак. Деярлик ҳамма хўжаликларда қўл теримини кучайтириш учун бутун шароит мавжуд. Пахта қийғос очилди. Илғор теримчиларнинг тажрибалари шу нарсани кўрсатмоқдаки, ҳар куни 150—200 килограммга етказиб пахта териш мумкин.

Республикамизнинг жанубида, шунингдек Фарғона водийсида ҳам йиғим-терим ишларн кучайиб кетди. Андижон областининг Ленин ва бошқа районларида қўл билан терилаётган пахта кунига 4 процентдан ошмоқда. Ер ва иқлим шароитлари бир бўлган Тошкент областимизда пахта тайёрлаш планининг ҳалигача бир процентга ҳам етмагани ҳар бир партия, совет, хўжалик ходимини, пахтакорлар ва механизаторларни ташвишга солмоғи керак. Пойтахт областининг орқада қолишига ҳеч қандай асос йўқ. Миришкор пахта усталари, донгдор механизаторлар, колхоз ва совхозларнинг ажойиб ташкилотчи ва ташаббускор кадрларига, қудратли машиналарга, қисқаси ҳамма имкониятларга эга бўлган областимизда 400 минг тонналик улкан хирмонни тезроқ бунёд этиш учун курашиш ҳаммамизнинг партия ва халқ олдидаги, шарафли, шу билан бирга мураккаб бурчимиздир.

Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари, район партия комитетлари меҳнаткашларнинг ғайрат ва ташаббусига бошчилик қилишлари, улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб, илғорлар тажрибасини кенг ёйишлари, бутун эътиборни план ва соцмажбуриятларни шараф билан бажаришга қаратишлари лозим. Афсуски, айрим жойларда теримчилар, механик-ҳайдовчилар ўз зиммаларига қандай мажбурият олганликларини билмайдилар. План ва мажбуриятлар колхоз ва совхозларнинг идораларида, шиор ва плакатларда қолиб, колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларга етказилмаган. Бу эса идеология соҳасида ишлаётган айрим ходимларимизнинг, агитатор ва сиёсий ахборотчиларнинг катта нуқсонидир.

Республикамиз, шу жумладан пойтахт области меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили планини деярли ҳама соҳаларда катта муваффақиятлар билан якунламоқдалар. Учинчи квартал тугашига ҳам озгина вақт қолди. Олдимизда асосий вазифа — республикамизнинг 4 миллион 750 минг, областимизнинг 400 минг тонналик улкан хирмони учун курашдек ғоят муҳим ва масъулиятли вазифа турибди. Пахта учун кураш — ҳаммамизнинг ватанпарварлик бурчимиз. Халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлигимизнинг улкан ифодаси бўлган «оқ олтин»имизни она-Ватан омборларига тезроқ етказиб, эл-юртимизни ҳушнуд этайлик.

Пахтазор чорлайди. Олтин дурдоналар бизни кутмоқда. Вақт ғанимат. Ҳамма ерда меҳнат кўтаринкилигини, ғайрат ва ташаббусни кучайтириб юборайлик. «Оқ олтин»имизни ёғинсочинга қолдирмай, тез ва соз териб олайлик. Мамлакатга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ пахта етказиб бериб, коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўшайлик.

ТЕРИМ ҚИЗҒИН

Дзержинский номли колхоз пахтакорлари бу йил астойдил меҳнат қилишди. Натижада ҳосил мўл бўлди. Айрим бригада далаларида «оқ олтин» мўлжалдагидан ҳам зиёд етишган. Жумладан Карим Ҳайдаров раҳбарлик қилаётган бригада далаларида аҳвол айниқса қувончли. Азамат пахтакорлар ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтариб, она-Ватан хирмонига 376 тонна дурдона етказиб беришга аҳд қилишган. Далаларда пахта ёппасига очила бошлади. Йиғим-терим куи сайин авжига чиқмоқда. Айни пайтда машина теримига ҳам қизғин тайёргалчк кўриляпти. Бригада пахтакорлари етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини «зангори кемалар» ёрдамида йиғиб-териб олишга аҳд қилишган. Шу мақсадни кўзлаб улар дефолиацияни юқори сифатли ўтказишга катта эътибор беришяпти.

А. ҲАЙДАРОВ,
Бекобод райони.

Бекобод районидаги «Победа» колхозида йиғим-терим ишлари қизғин тус олмоқда. Колхознинг жуда кўп теримчи қизлари дастлабки кунларданоқ 80—100 килограммдан пахта тера бошладилар. Суратда: колхознинг чевар теримчиси Рахила Турдиқулова.

Т. Маҳкамов фотоси.



ПАХТАНИ ЁРДАМЧИЛАРСИЗ ТЕРИБ ОЛАМИЗ

Ўтган йили йиғим-терим анча уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳосилимизнинг деярли ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Шу сабабли пахтачиликдан анча кўп даромад қилдик.

Бу йил 184 гектар ерга чигит экканмиз. Планимиз 28 центнердан. Мажбуриятимиз эса 35 центнердан. Шунга яраша эрта кўкламдан бери меҳнат қилиб келяпмиз. Ҳар бир ниҳол меҳр билан парвариш қилинди. Айниқса, бу йил биз маҳаллий ўғитлардан кўпроқ фойдаландик. Шарбат суви оқиздик. Олти марта чуқур культивациядан чиқарилди. Чеканка ўз вақтида ўтказилди. Шундан кейин ҳам иш бўшаштирилмади. Колхозчиларимиз карта оралаб, бегона ўтларнинг таг-томири билан юлиб, машина теримига тайёргарлик кўра бошладилар. Бу эса ҳар бир гектар ерда мажбуриятни қоплайдиган даражада пахта етиштириш имкониятини берди.

Ҳосилга-ҳосил қўшишни давом эттириш билан бирга карта четларини тартибга солдик. Ўқариқларни текисладик. Дарахтларнинг ён шохларини бутадик. Машиналар бурилиб қайтадиган майдонларни тайёрладик. Ариқ ва кўприклар ҳам ўз вақтида ремонтдан чиқарилди. Пахта тўкиладиган хирмонлар тахт қилинди. Тош-тарозилар келтириб қўйилди. Шундай қилиб, бизда йил давомида иш тўхтагани йўқ. Ҳамма куч ва эътибор ҳосилни тезда етиштириш ва уни йиғиштириб олишга қаратилди.

Колхозчиларимиз бутун куч ва имкониятларини ҳисобларга чиқишиб, 30 гектар ердаги ноқулай ерларнинг пахтасини қўлда теришга, қолганини эса машиналар ёрдами билан йиғиштириб олишга тўла имкониятлар бор деган хулосага келдилар. Шундай қиламиз. Ўтган йили ўз вақтида дефолиация қилиб, пахта очилиши билан «зангори кема»ларни ишга солган эдик. Шундан кейин иш юришиб кетди. Кунига беш процентга етказиб пахта тердик. Бу йилги ишимиз бундан ҳам яхши бўлади. Чунки, пахталар тезда очилянти. Механизаторларимиз ҳам техникани барвақт шай қилиб қўйишди. Яқин кунлар ичида ёппасига машина теримига киришамиз. Ишни икки сменада ташкил этиб, йиллик планнинг беш-олти процентини миқдорида пахта топширамиз. Шундай қилиб, ҳосилни жуда қисқа кунлар ичида йиғиштириб оламиз.

Бригадамизда бешта «зангори кема» тўла қувват билан ишлайди. Мўминжон Деҳқоноз, Раҳимбой Акромов, Жормамат Дурмаматов каби кема капитанлари зиммамизга олган мажбуриятни тезда бажарамиз» четдан ёрдамчилар олмасдан турибоқ, ўзимиз етиштирган ҳосилни ўзимиз йиғиштириб оламиз, дейишяпти. Ҳақиқатан ҳам биз шундай қиламиз. Ёрдамчиларсиз пахтамизни териб, давлатга юқори сортларда топширамиз.

Ш. БАРАТОВ,
Чиноз районидаги Навоий номли колхознинг бригада бошлиғи.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — Халқ хўжалиги планига нисбатан бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.

Чиноз	0,49	1,91
Пискент	0,28	1,53
Янгийўл	0,33	1,39
Бекобод	0,39	1,20
Бўка	0,16	0,67
Ўрта Чирчиқ	0,25	0,40
Юқори Чирчиқ	0,12	0,12
Оққўрғон	—	—
Область бўйича	0,22	0,76

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЙЛ 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бекобод	7,2	100
Пискент	11,8	82,2
Юқори Чирчиқ	11,7	82,2
Бўка	7,5	79,6
Оққўрғон	15,8	77,5
Ўрта Чирчиқ	12,6	60,4
Янгийўл	5,8	50,0
Чиноз	8,9	44,2
Область бўйича	10,5	74,2

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАККАЖЎХОРИ ЎРИШ ВА ДОН ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЙЛ 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ


Биринчи стун — ўрилган (гектар ҳисобида), иккинчи стун — дон тайёрлаш (процент ҳисобида).

Чиноз	51,4	57,3
Бекобод	49,0	39,4
Бўка	48,4	36,4
Янгийўл	45,2	32,6
Оққўрғон	44,4	6,5
Пискент	44,0	13,0
Бўстонлиқ	37,4	6,7
Калинин	34,1	37,3
Юқори Чирчиқ	31,0	38,2
Ўрта Чирчиқ	29,7	36,0
Оҳангарон	14,2	11,8
Оржоникидзе	8,8	—
Область бўйича	35,7	25,4



ОҚҚЎРҒОН районидаги «Москва» колхозида пахтачилик билан бир қаторда канопчилик ҳам ривожлантирилмоқда. Бундан колхоз катта даромад олаяпти. Суратларда: колхоз партия ташкилотининг секретари Х. Олтоев (ўнгда) бригада бошлиғи Т. Бектоев, звено бошлиғи М. Раимқуловлар билан каноп ҳосилини чамалаб кўрмоқдалар. Каноп пўстлоғини шилиш пайти.

Х. Аввалов фотолари.



РЕСПУБЛИКА ПОЛИЗЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ РАЛАБАСИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини бажара бориб ҳамда деҳқончилик маҳсулотларк етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилаётган бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, давлатга полиз маҳсулотлари сотиш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 334 минг тонна ёки ўтган йилнинг шу вақтида харид қилинганига нисбатан 92 минг тонна кўп тарвуз ва қовун етказиб берилди.

Давлатга 161,5 минг тонна тарвуз ва қовун сотиб, планни 147 процент бажарган Сирдарё области хўжаликлари полиз маҳсулоти тайёрлаш планининг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Наманган областининг деҳқонлари полиз маҳсулотлари сотиш планини 117,4 процент, Сурхондарё областининг деҳқонлари 109,1 процент, Бухоро областининг деҳқонлари 108,6 процент, Андижон областининг деҳқонлари 107 процент, Фарғона областининг деҳқонлари 101 процент бажардилар.

Пахтакор, Зомин, Сирдарё, Боёвут, Гулистон, Задарё, Бухоро, Ромитан, Фрунзе, Бўз, Гагарин районлари полиз маҳсулотлари топшириш планини анча ошириб бажардилар.

Матлубот кооперациясининг тайёровчилари яхши ишлаб, полиз маҳсулотлари харид қилиш планини 111,3 процент бажардилар.

Мамлакатнинг саноат марказларига 201 минг тонна тарвуз ва қовун жўнатилди.

Давлатга полиз маҳсулотлари сотиш давом этмоқда.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахта териш ва уни даладан сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақани 1973 йил 11 сентябрга бўлган якунларни сараб чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини Қашқадарё областига, Андижон областига, шу областнинг Ленин районига, Қашқадарё областининг Китоб районига, Сурхондарё областининг Жарқўрғон районига, Қашқадарё областининг кўриқ ердаги Ульянов районига, Сурхондарё область, Шўрчи районидаги «Ўзбекистон совхозига, Қашқадарё область, Ульянов районидаги кўриқ ерда жойлашган «Қашқадарё» совхозига, Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги «Коммунист» колхозига беришга қарор қилинди.

МЕДИКЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон профилактика медицинаси мутахассислар армиясининг намояндалари — гигиеначилар, санитария врачлари, эпидемиологлар, микробиологлар, инфекционистлар 11 сентябрь куни Тошкентда А. Навоий номли театр биносига тўпландилар. Республика учинчи съезди қатнашчилари кишиларнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш соҳасида энг муҳим вазифаларни биргаликда муҳокама қиладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов қисқача нутқ сўзлаб съездни очди.

Ўзбекистонда профилактик соғлиқни сақлашнинг аҳволи ва уни КПСС XXIV съезди қарорлари асосида ривожлантириш масаласи тўғрисида республика соғлиқни сақлаш министри профессор К. С. Зоиров доклад қилди. Шу куни олимлар ва мутахассислар гигиенанинг турли проблемалари, касалликларнинг олдини олишда, соғлом меҳнат ва турмуш шароити яратиш учун курашда медицина ходимларининг вазифалари тўғрисида доклад қиладилар.

Съезд бир неча кун давом этади. Тўртта тармоқ секцияларида профилактика медицинасининг муҳим проблемалари муҳокама қилинади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари V конференциясининг иштирокчиларидан бир гуруҳи Тошкентга меҳмон бўлиб келди. Улар 11 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилишди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов меҳмонларга республиканинг эришган муваффақиятлари тўғрисида, республика экономикаси ва маданиятининг равнақи тўғрисида сўзлаб берди. У Ўзбекистон меҳнаткашлари Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Олмаота конференцияси ишини зўр эътибор билан кузатиб борганликларини таъкидлаб ўтди.

Ш. Р. Рашидов сўз санъаткорларига янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Покистон делегациясининг бошлиғи Файз Аҳмад Файз, Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи Суҳоз Мукержи, Бангладеш делегациясининг бошлиғи Масхару Ислом самимий қабул қилганликлари учун ташаккур изҳор этдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси, Ўзбекистон ёзувчилар Союзи правлениесининг раиси К. Яшин, СССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг секретари О. Н. Кешоков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

МЕХАНИЗАТОРЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз коллективи пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлидан бориб, кейинги йилларда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўтган йили етиштирилган ҳосилнинг 67 проценти «зангори кема»лар билан териб олинди. Гектар бошига олинган ҳосил 30 центнерни ташкил этди.

Колхоз пахтакорлари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ҳам улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилишмоқда. Барча жойларда бўлгани сингари колхознинг 2-участкасида ҳам ишлар қизғин боряпти. Етиштирилган каноп, жўхори йиғиб олинмоқда. Лайдонларда зарбдор йил мажбуриятини қоплайдиган даражада мўл ҳосил пишиб етилди. Шундай қизғин паллада участка коммунистлари ўз ҳисобот-сайлов йиғилишларига тўпландилар.

Участка партия ташкилоти секретари Н. Ким ҳисобот докладида партбюро бажарган ишларни атрофлича анализ қилиб берди. Коммунистларнинг активлигини ошириш, марксча-ленинча ўқув самарадорлигини ўстириш, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш юзасидан қилинган ишлар ҳаммани қувонтирди. Аммо бир қатор вазифалар ҳисобот даврида бажарилмай қолди. Доклад юзасидан музокараларда сўзга чиққан нотиқлар кўпчилик эътиборини мана шу бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратдилар.

Биринчи бўлиб сўз олган механизатор Бувайда Раҳимова ўз дугонаси Шарифа Қуроловани социалистик мусобақага чақирди. Ш. Қуролова илғор механизаторнинг таклифини қабул қилиб олди. Сўнг механизаторлар иши самарадорлигини ошириш учун бундан буён кўрилиши лозим бўлган тадбирлар устида тўхталди. Ҳозир далаларда ҳосил етилмоқда. Бу ҳосилни сифатли дефолиация қилингач, тўла йиғиб-териб олиш мумкин. Ҳар юз гектар майдонда ишлаш учун учта пахта териш машинаси, иккитадан кўрак йиғиш ва кўрак чувиш агрегати ажратилган. Аммо уларни унумли ишлата оладиган механизаторлар ҳали етишмайди. Биринчи теримни 7 кунда бажаришга аҳд қилганмиз, деди у. Бунинг учун «Пахтазор» бункер — прицеп — қабул пункти» конвейери ишини пухта ташкил этиш лозим. Аммо ҳозирча прицеплар етишмайди.

Механизатор Н. Қутибоев ҳам техникани унумли ишлатишга кўмаклашувчи ўз таклифларини баён этди. Ўтган йилда участка аъзоларининг даромади бутун колхозчиларнинг ўртача даромадидан паст бўлди. Чунки ўтган йилда қўл теримига зўр берилиб, машиналарни унумли ишлатишга эътибор қилинмади. Бу йил терим машиналарини тўла ишга солиш керак.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам амалий таклифларни ўртага ташладилар. Колхознинг бошқа участкаларида бўлиб ўтган цех партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳам мана шундай жонли ва мазмунли бўлди. Коммунистларнинг таклифи асосида «Пахтазор—бункер прицеп — қабул пункти» поток методи жорий этилди. Пахтакорларнинг бу ташаббуси район партия комитети томонидан маъқулланди. Йиғим-теримда поток усулининг жорий этилиши туфайли тўқсон процент ҳосилни қисқа муддатларда машиналар билан териб олиш ва давлат планини 14 иш кунида бажариш имконини беради.

Колхоз пахтакорлари ҳал қилувчи курашга отланмоқдалар. Улар пишиб етилаётган «оқ олтин»ни тез ва соз йиғиб олишга киришдилар. Бу ишда коммунист механизаторларнинг активлик кўрсатишига ишончимиз комил. Чунки цех партия ташкилотлари йиғилишларида қабул қилинган қарорлар шунга даъват этади.

В. БАБАНЕЦ,
область партия комитетининг инструктори.



Тошкентдаги «Шарқ тонги» устки трикотаж фабрикасининг меҳнатсевар коллективи бу йил аҳолига 10 миллион турли хил трикотаж кийимлари етказиб бериш учун курашмоқда. Корхона ўртасида кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада тўқув цехи-нинг пешқадамларидан Рихси Мансурова ҳам иштирок этиб, юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқда. Суратда: илғор тўқувчи Р. Мансурова.
М. Нуриддинов фотоси.

ЧЕВАР ТИКУВЧИ

Норпошша уч йиллик тикувчилик курсини тамомлаб, Ленин номли якка буюртмалар тикувчилик фабрикасига ишга келган эди. Уни фабриканинг етук мастери К. Катаева ўзига шогирдликка олди. Вақт ўтиши билан Норпошшанинг пальто, костюм тикишдаги маҳорати орта борди. Эндиликда бу меҳнатсевар қиз фабрика чеварлари қаторидан ўрин олган.

— Норпошша Ғуломова — фабрикамиз фахри, — дейди 4-цех бошлиғи Анна Петрова. — Коммунистик меҳнат зарбдори деган номни доимо оқлаб келаётган бу илғор дугонамиз қўлидан буюртмалар ҳамиша сифатли чиқади. У фабрикада тежамкорлик учун олиб борилаётган курашда ҳам пешқадам.

— Кўпинча ишдаги ютуқларимиз тўғрисида сўрашади, — дейди у биз билан суҳбатда. Ютуқларимизнинг сири оддий. Цехимиз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг 1973 йил план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги қарорига амалий иш билан жавоб бериб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишган.

Норпошша ўз сўзининг устидан чиқмоқда. Айни кунларда ҳар ойда пландаги 7 ўрнига 10—11 та костюм ва пальто тикиб, планни 130—140 процентга етказиб бажармоқда. Материалдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобига эса 600 ғалтак ип тежашга ҳаракат қиляпти. Бу 4-цех бўйича энг юқори кўрсаткичдир.

Илғор ишчи депутат сифатида ҳам кўплаб ибратли ишларга қўл урмоқда.

Ишлаб чиқариш илғори Норпошша Ғуломова кўп йиллик ҳалол меҳнатлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қатор фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

С. СУЛТОНОВ.

ЧОРВАЧИЛИК РЕЗЕРВЛАРИ ТЎЛА ИШГА СОЛИНСИН

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советида сессиясидан

Илгари хабар берганимиздек, 10 сентябрда XIV чақириқ меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Тошкент область Советининг ижроия комитетининг раиси ўртоқ С. А. Асомов «Область колхоз ва совхозларида чорвачиликнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» доклад қилди.

— Қишлоқ меҳнаткашлари область партия ташкилоти раҳбарлиги остида КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ қила бориб, деди докладчи,— бутун куч ва ғайратларини беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этишмоқда. Колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фидокорона меҳнатлари туфайли давлатга пилла сотиш бўйича зиммага олинган социалистик мажбурият ортиғи билан бажарилди. Давлатга икки йиллик план миқдорида ғалла сотилди. Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум тайёрлаш ўтган йилдагига нисбатан анча олдинда бормоқда. Далаларимизда етиштирилган маккажўхори донини йиғиб-териб олиш ишлари қизғин кетяпти. Шу кунларда 400 минг тонналик Тошкент пахтаси учун кураш мусобақаси кенг қулоч ёймоқда.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган чорвачилигимизни ривожлантиришда каттагина ютуқлар қўлга киритилди. Беш йилликнинг ўтган икки йили мобайнида область колхозлари, совхозлари ва давлат хўжаликларида чорва молларининг тўёқ сони кўпайди. Уларнинг маҳсулдорлиги ошди, ем-хашак базаси мустаҳкамланди. Беш йилликнинг ўтган икки йили давомида областимизда гўшт етиштириш 10 процент, сут 24 процент, тухум 12 процентга кўпайди. Давлатга пландан ташқари 2,2 минг тонна кўп гўшт, 12,7 минг тонна сут, 2 миллион дона кўп тухум етказиб берилди. Биринчи ярим йилликда эришилган муваффақиятлар янада мустаҳкамланди. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида ўтган йилнинг ана шу даврига нисбатан давлатга 2390 тонна кўп гўшт, 5433 тонна кўп сут ва 20,2 миллион дона тухум сотилди. Қорамолларнинг сони анча ошди, маҳсулдорлиги кўпайди. Айниқса, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан бошланган социалистик мусобақада Оққўрғон, Бўка, Юқори Чирчиқ ва Оржоникидзе район чорвадорларининг эришган ютуқлари салмоқли бўлди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашган Оққўрғон райони КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини, Оққўрғон районидаги Димитров номли, Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь», Калинин районидаги Калинин номли ва Охунбобоев номли колхоз, «Химик», «Сергели» совхозлари, «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва тайёрлов ишчи-хизматчилари касаба союзлари Марказий Комитетининг Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Областда бешта колхоз, икки совхоз ҳамда Оржоникидзе райони, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан мукофотландилар.

— Бу эришилган ютуқлар,— дейди докладчи,— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини асосий участкаси чорвачиликни ривожлантиришга кўрсатиб келаётган катта ёрдамлари, партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, чорвадорларимиз ва деҳқонларимизнинг ишнинг кўзини билиб, омилкорлик билан қилган меҳнатлари, фермаларда замонавий техникани жорий қилганликлари, қорамолларнинг наслдорлигини ошириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида олиб борган фидокорона ишларининг натижасидир.

Лекин шунга қарамай,— деди ўртоқ Асомов, — областимиздаги барча колхоз ва совхозларимизда чорвачилик маҳсулотлари — сут, гўшт ишлаб чиқариш юзасидан ўзларида мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаландилар, деб бўлмайди. Кўпгина колхоз ва совхозларда озуқа базасини мустаҳкамлаш йўли билан чорвачиликнинг ривожлантириш ва маҳсулдорлигини оширишга етарли эътибор берилмаяпти. Ваҳолангки, ана шу хўжаликларда техника билан таъминлаш ва ем-хашак экинлари майдонини кенгайтириш асосида чорва молларининг тўёқ сонини ошириш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Аммо Оҳангарон, Калинин, Янгийўл, Чиноз районларидаги бир қатор хўжаликларда чорва моллари сони камайиб кетяпти. Очиқдан-очиқ айтиш мумкинки, бу районлардаги ҳамма хўжаликларда айниқса бузоқларни парвариш қилиш қоидаларига риоя қилинмаяпти.

Ҳозирги кунда олдимизда турган муҳим вазифалардан бири, чорвачилик соҳасидаги тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашимиз, бу эса сигирлар сонини ошириш ва сут етиштиришни кўпайтиришда асосий омил ҳисобланади. Шуни ҳам айтиш керакки, озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли совхозлар, Бўстонлиқ ва Янгийўл районидаги бир қатор хўжаликлар давлатга гўшт учун топшираётган қорамолларнинг тирик вазни белгилангандан анча кам миқдорда топширилмоқда.

Шунингдек, қўйчиликни рентабел ривожлантириш учун мавжуд бўлган ички резервлардан тўла фойдаланилмаяпти. Бу ҳолни айниқса Оҳангарон районида кўриш мумкин. «Серго» ва «Олмалиқ» каби ихтисослашган совхозлар ва бир қатор хўжаликларда ҳар йили қўйларнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.

Бу йил областимиз бўйича 10 минг тонна беда уни тайёрланиши керак,— дейди нотиқ,— бу озуқа базасини тайёрлашда фақат махсус агрегатлардангина эмас балки қатламли универсал сушилкалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Область колхоз ва совхозларида ҳозирги 11 та АВМ агрегати монтаж қилинди ва 34 та қатламли сушилка тайёрланди. Лекин беда уни тайёрлашда барча техника ресурсларидан фойдаланилмаётир, уларни тайёрлаш ишини кўпгина хўжаликлар барбод қилмоқдалар. Масалан, Бекобод районида мавжуд 6 та сушилкадан максимал даражада фойдаланадиган бўлса ҳар куни 44 тонна беда уни тайёрлаш мумкин. Лекин бу ерда мавсум бошидан буён тайёрланган беда уни 65 тонна ёки топшириққа нисбатан етти процентни ташкил этади. Бўка, Пискент, районлари ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин.

Бу йил область хўжаликлари 53 минг тонна ем учун дон тайёрлашлари лозим. Яқин йиллар ичида ҳар бир районда ўзининг аралаш озуқаларини тайёрлаш, уларда тўйимлилик моддалари кўп бўлишини таъминлайдиган озуқа заводларига эга бўлиши кутилади. Бу соҳада Оққўрғон райони қимматли ташаббус билан чиқди. Районда ҳар кеча-кундуздан 30 тонналан маҳсулот тайёрлайдиган озуқа заводи қурилиши бошлаб юборилди. 4-«Оҳангарон» совхозида аралаш озуқалар тайёрлайдиган цех қурилиши тугалланай деб қолди.

Афсуски, шунга қарамай айрим хўжаликлар фермаларини механизациялаш даражаси жуда суст даражада, олиб борилаяпти. Чорвачилик маҳсулотларининг таннархини арзонлаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ишига етарли эътибор берилмаяпти. Ем-хашаклардан фойдаланишни яхшилаш билан бир қаторда озуқабоп экинларнинг ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш бизнинг кундалик диққат-эътиборимизда туриши керак.

Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, бундай нуқсонлар айниқса жамоат чорвачилигига юзаки раҳбарлик қилинаётган, маҳаллий советлар томонидан контроллик бўшаштириб юборилган участкаларда содир бўляпти. Ўртоқ Асомов жамоат чорвачилигини ривожлантиришда мавжуд резервлардан янада кенгроқ фойдаланиш билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш зарурлигига батафсил тўхталиб ўтди.

Шундан кейин сессия қатнашчилари область Советининг қишлоқ хўжалик ишлари бўйича доимий комиссиясининг раиси А. И. Имомалиевнинг қўшимча докладини тинглашди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича «Областда Ер кодексига риоя қилиш тўғрисида» область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов доклад қилди.

Ўртоқ Тошқулов Ўзбекистон ССР Ер кодексида қўйилган талабларни атрофлича характерлаб, ердан унумли фойдаланиш, маҳсулдорлигини ошириш ва уни кўз қорачиғидек асрашга даъват этди. Бу масала деди у,— доимо район, посёлка ва қишлоқ Советлари эътиборида туриши керак.

1970—1972 йилларда область колхоз ва совхозлари,— дейди докладчи,— фақат 14,1 минг гектар янги ерни ўзлаштириб, ундан 11,9 минг гектарни қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Шунингдек, 41,1 минг гектар ерни мелиоратив ҳолати анча яхшиланди. Бу ерларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги анча оширилди.

Ҳар иккала доклад юзасидан бўлган музокараларда Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари П. Ю. Юсупов, Чиноз районидаги Жамбул номли совхознинг директори Р. Саъдуллаев, Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхозининг директори Г. П. Гриценко, Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозининг сут соғувчиси С. Ашурова, Оққўрғон районидаги «Дружба» қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси М. Омонқулов, Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг раиси Т. В. Эм, Бекобод район Советининг ижроия комитетининг раиси Э. Ҳатамов, область прокурори К. С. Галашко, Калинин районидаги Карл Маркс номли қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси В. Азизов, Ўгом қишлоқ Советининг раиси Э. Абдурасулов, Пискент район Ленин номли колхозининг раиси С. Турсуналиев ўртоқлар сўзга чиқдилар. Нотиқлар маҳаллий Советлар олдида турган бирдан-бир вазифа 1973 йил ва беш йиллик давомида қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари ва унинг асосий тармоғи жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятнинг шараф билан бажарилишини таъминлаш ва чорва молларини қишловдан тўқ ва соғлом олиб чиқилишига эришиш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг таннархини камайтириш учун бутун имкониятлардан фойдаланиб, оммани ана шу юксак вазифани бажаришга сафарбар этажакларини маълум қилишди.

Сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЁШ ПАЙВАНДЧИЛАР КОНКУРСИ

«Ўзбекхиммаш» заводида республика ёш электр пайвандчиларининг конкурси бўлиб ўтди. Конкурсда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Андижон областлари ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасидан келган ёш ишчилар иштирок этишди.

«Ўзбекхиммаш» заводининг қозон-пайвандлаш цехи пайвандчиси Михаил Залозний юқори кўрсаткичга эришиб, конкурс ғолиби бўлиб чиқди. Иккинчи ўринни Андижондаги ирригация машинасозлиги заводи ишчиси Владимир Скоц, учинчи ўринни эса «Ўзбекхиммаш» заводи ишчиси Владимир Голибурда эгалладилар.

Конкурс ғолибларига Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Вақтдан ўзаётганлар

ЧИРЧИҚ пойафзал фабрикасининг коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқдалар. Шу туфайли қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Масалан, йил бошидан бери пландан ташқари 123 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Тежалган материаллар ҳисобига 30640 жуфт пойафзал тайёрланди.

Фабрикада А. Девятова, Л. Казанцеваларнинг издошлари кўп. Айни кунларда 18 пойафзалчи беш йиллик шахсий топшириғини муваффақиятли адо этган, 800 ишчи эса 1974 йил ҳисобига ишламоқда.

М. МИРАЗИМОВ.



БИОПЛАСТ НИМА?

БУ саволга венгриялик бир группа олимлар қон оқсилидан тайёрланган янги сунъий модда деб жавоб беришади. Биопластнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, у инсон организмига таъсир эттирилганда, тезда унинг таркибий қисмига айланади. Яъни биопласт зарар кўрган тўқималарнинг тез битиб кетишида, синган суякларни улашда ва ҳатто узилиб кетган нерв томирларини қайта улашда жуда қўл келади.

БЕЖИРИМ ХАВФСИЗ

ПАРИЖ кўчаларида ёритувчи лампалар ўрнатилган янги столбалар пайдо бўлди. Фарқи шуки улар енгил пластик материалдан тайёрланган. Анча мустаҳкам бўлган бежирим пластик столба айни чоғда эгилувчан ҳамдир. Бирор машина унга бехосдан урилиб кетган тақдирда ҳам зарба айтарлик кучли бўлмайди. Бинобарин, у металл ёки темир-бетон столбаларга нисбатан хавфсизроқдир.

СУНЪИЙ ЁМҒИР

БОЛГАРИЯДАГИ суғориш техникаси заводида янги хил сунъий ёмғир мосламаси ишлаб чиқарила бошланди. 460 метр радиус атрофида сунъий ёмғир ёғдирувчи бундай мослама автоматик тарзда бошқарилади ҳамда биттаси юз гектаргача майдонни бемалол суғоради. Болгар дўстларимизнинг бу янгилиги ҳозирдаёқ экинзор майдонларда синаб кўрилиб, суғориш ишларини тезлаштиришда жуда қўл келяпти.

ҚИШЛОҚ СОВЕТИ ВА МУСОБАҚА

Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси К. НУРИЕВА билан суҳбат

Коммунизм сари катта одимлар йили бўлган 1972—1973 йилларда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақа давом этмоқда. Мусобақа ғолиблари қаторида районимизга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи ва пул мукофотининг берилиши бизни янги марралар сари янада илҳомлантириб юборди. Меҳнат ҳар соҳада қадрлаётганлигини кўриб, унинг роҳатини сураётган чорвадор ва деҳқонлар эндиликда катта шижоат кўрсатиб ишлашмоқда.

Районимиз чорвадорлари эришган ютуқларга салмоқли ҳисса қўшаётган «ЎзССР беш йиллиги» пахтачилик тажриба хўжалиги ишчилари ва «Москва» колхози аъзоларининг бугунги ғайратлари, эртанги режалари ҳақида тўхталиб, ўтмоқчиман.

Қишлоқ Совети территориясида 2367 оила истиқомат қилади. 22 та озиқ-овқат ҳамда саноат моллари магазинлари, 8 та аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, 5 та доимий ва 2 та мавсумий мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, ўрта ва саккиз йиллик мактаблар, касалхона, медицина пунктлари, 7 та кутубхона ишлаб турибди. Қишлоқ Совети кенг жамоатчиликка таянгани ҳолда хўжаликларда пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил кўтариш, қишлоқ меҳнаткашларига савдо ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларини янада яхшилашга қаратилган кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда.

Қишлоқ Совети ижроия комитетининг сессияси ва йиғилишларида пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш, аҳолига савдо ва коммунал хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, капитал қурилишга оид кўпгина масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилган. Доимий комиссиялар томонидан амалга оширилган тадбирлар сессияларда тингланмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, ободонлаштириш ва коммунал-хўжалик ишлари бўйича доимий комиссияларнинг иш фаолиятлари ибратли бўлмоқда.

Қишлоқ Советининг жонкуяр депутатлари жойларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун курашда ташкилотчилик қилмоқдалар. Қишлоқ Советида бригада ва звенолар ўрталарида уюштирилган мусобақа натижалари якунланиб, ғолиблар аниқланиб бориляпти.

1971 йилда территориямиздаги хўжаликлар давлатга 12 минг 553 тонна «оқ олтин» сотишган эди. Ўтган 1972 йилда пахта хирмонимиз 13 минг 895 тоннани ташкил этди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 39,3 центнерга етказилди. Хўжаликлардаги ҳар бир сигирдан 2800 килограмм ўрнига 3053 килограммдан сут соғиб олинди. Гўштга топшириладиган йирик қорамоллар вазни мўлжалдагидан 150 килограммга ошди. Ҳар бир қорамол мўлжалдаги 350 ўрнига 500 килограмм семизликда гўштга топширилди. Маълумки, етарли озуқа базасини ғамламай туриб, чорвачиликда бундай ютуқларга эришиб бўлмайди. Шу мақсадда молларни қишдан соғлом олиб чиқиш йўлида тегишли тадбирлар кўрилмоқда. Ўтган йили ҳар гектар ердан 132 центнердан беда, 77,8 центнердан жўхори дони, 400 центнердан кўкпоя йиғиб, ғамлаб қўйилганди. Ўз вақтида амалга оширилган бу тадбирлар хўжалигимиздагина эмас, районимиз чорвачилигини ривожлантиришда ҳам ижобий натижалар берди.

Хўжаликларда ҳосилдорликнинг ошиши, даромаднинг кўпайиши туфайли ҳаётимиз янада фаровон бўлмоқда. Кейинги икки йил ичида қишлоқ Совети территориясида битта қишқи клуб, поликлиника, болалар боғчаси, спорт зали қад кўтарди. Колхозчиларга икки хонали уйлар қуриб берилди. Кўчаларимизга асфальт ётқизилиб, хонадонлар газлаштирилди. Қишлоқни кран сувлари билан таъминлаш масаласи тўла ҳал этилди. Ҳаммом, стадион қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Ҳозир пахтачилик ва чорвачиликда долзарб кунлар бошланди. Эрта баҳордан ўзаро мусобақа асосида меҳнат қилган колхозчи ва совхоз ишчилари поёнсиз далаларда мўл ҳосил етиштиришди. Эндиги вазифа ана шу ҳосилни тез ва қисқа муддат ичида йиғиб-териб давлатга топширишдан иборат.

Бу йил қишлоқ Советидаги икки хўжалик ҳар гектар ердан 42 центнердан «оқ олтин» териб олиб, Ватанга 18 минг 570 тонналик хирмонини армуғон этмоқчи. Ҳар бир соғин сигирдан 3300 килограммдан сут соғиб олинади. Ана шу шиор билан пахта майдонида, чорвачилик фермаларида меҳнат қилаётган ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси мусобақа байроғини янада баландроқ кўтариб, ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун ҳаракат қилишяпти.

Пахтакорлар, «зангори кема» суворийлари катта пойгани бошлаб юборишди.

Қишлоқ Советининг депутати, моҳир механизатор, звено бошлиғи Анза Чодзан ўтган йили 67 гектар ернинг ҳар гектаридан 44,7 центнердан ҳосил кўтарган эди. Бу йил у ҳар гектар ердан 50 центнерлик ҳосил олишга бел боғлаган. «Пўлат оти» билан 250 тонна пахта териб бермоқчи. Депутат Эркин Олимжонов бошлиқ звено аъзолари 50 центнерлик ҳосил олишга бел боғлашган. Эркин ўз машинаси билан 150 тонна «оқ олтин» теришга азму-қарор қилган. Абдусаттор Сулаймонов номини совхозда ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Қишлоқ Советининг депутати, звено бошлиғи Абдусаттор ҳам эллик центнерчилар ташаббусига қўшилиб, ишни ана шунга яраша олиб боряпти. Депутатимиз бу йил ХВ-108 машинаси билан 150 тонна «оқ олтин»ни «зангори кема» бункеридан тўкиш ниятида.

Яқин йиллар ичида қишлоқ Совети территорияси янада обод бўлади. Совхоз бўлимларини боғловчи ўн километрдан ортиқ йўл фойдаланишга топширилади. Совхоз марказида минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, «Москва» колхозида 400 ўринли клуб қуриш мўлжалланмоқда. Хонадонларни тўла газлаштириш масаласи яқин кунларда тўла ҳал этилади.

Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида қишлоқ Советига қарашли хўжалик меҳнаткашлари пахтачилик ва чорвачиликда ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларни тўла адо этиш учун куч ва имкониятларини сарфлаб, мусобақани кенг қулоч ёйдиравердилар.



ФАЙЗИ ака Эргашев чорак асрдан буён «Таштекстильмаш» заводида ишлаб келади. Ҳозир у корхонада энг яхши йиғувчи-слесарь ҳисобланади. Коммунистик меҳнат зарбдори. У йиғиб бераётган тўқимачилик машиналари довруғи оламга ёйилган. Суратда: Ф. Эргашев иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

МАШИНА ТЕРИМИДА ХАТОЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСИН

Чиноз район меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта, кўплаб канop, мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт, сут етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Улар астойдил меҳнат қилиб, ҳозир яхши натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили район бўйича ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 31,6 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил район пахтакорлари ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга, 37 минг тонналик хирмон кўтаришга аҳд қилишган.

Районда ҳозир гўшт, сут етиштириш ва давлатга сотиш муваффақиятли бормоқда. Чорва моллар туёғи ошмоқда. Қорамоллар 698 бошга, қўйлар 9536 бошга кўпайди. Моллар гўштга ўтган йилга нисбатан юқори семизликда топширилмоқда.

Районда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахтачиликдир. Пахтачиликда эса ҳозир асосий масалалардан бири ҳосилдорликни оширишдан иборат. Бу соҳада Киров номли, «Қизил Октябрь», Охунбобоев номли колхозлар пешқадамлик қилмоқдалар. Ўтган йили улар катта ютуқларга эришишди. Масалан, Киров номли колхозда Турсуной Охунова бошлиқ бригада аъзолари кенг қаторлаб чигит экиб, 50 центнердан ҳосил олдилар. Охунбобоев номли колхозда кенг қаторлаб чигит экиш қўпроқ жорий этилабошлагани туфайли пахта ҳосилдорлиги кейинги икки йил ичида 10,4 центнерга ошди. Шунинг учун бу йил район хўжаликларида 3,5 минг гектар ерга чигит кенг қаторлаб экилган.

Район пахтакорлари бу йил астойдил меҳнат қилиб, мўл ҳосил олиш учун пухта замин яратдилар. Лекин шунга қарамай, айрим хўжаликларда камчиликлар ҳам рўй бермоқда. Бу йил Собир Раҳимов номли колхозда сувдан фойдаланиш коэффициенти 58 процент, «Октябрь 40 йиллиги» колхозида 64 процентдан ошмади. Собир Раҳимов номли колхозда кўчати сийрак пайкаллар анчагина бор. Бу каби камчиликлар бошқа хўжаликларда ҳам учраб турибди.

Машина териминг муваффақиятли ўтказилиши терим агрегатларининг сифатли созлаб қўйилишига боғлиқ. Шу жиҳатдан Охунбобоев номли, Киров номли, «Октябрь 40 йиллиги», «Қизил октябрь» колхозларининг ўтган йилги ишлари кўпларга ибрат бўла олади. Киров номли колхозда 2897 тонна пахтанинг 1917 тоннаси «зангори кема»ларда терib олинган. Юқорида номлари айтилган колхозларда ҳам машина билан шу даражада пахта теришга эришилган.

Бироқ «Москва», Собир Раҳимов номли колхозларда машина билан пахта териш ўтган йили 30—35 процентдан ошмаган. Бу йил ҳам шу хўжаликларда машина теримига тайёрлик кўришда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари машина билан пахта териш хўжаликка қанчалик иқтисодий жиҳатдан катта наф келтиришини ҳали ҳам тушуниб олмаганга ўхшайдилар.

Машина билан кўп пахта териш нинг иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисолдан билиб олиш мумкин. Икки қаторли машина билан 30—40 тоннадан пахта терилса, машина учун қилинган сарф-харажатларнинг қоплайди, холос. Агар 95—100 тоннадан пахта терилса, хўжаликка кўп миқдорда фойда келтиради. Энг муҳими пахта териш сурътатини тезлаштиради. Буни яхши тушунган хўжалик раҳбарлари машиналарни унумли ишлатишга астойдил ҳаракат қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Охунбобоев номли колхозда бир машина билан ўрта ҳисобда ўтган йили 115 тоннадан, «Янгиобод» совхозида 105 тоннадан, «Октябрь 40 йиллиги» колхозида 91 тоннадан пахта терилди. Лекин Собир Раҳимов номли колхозда 36, «Москва» колхозида 51 тоннадан пахта терилган, холос.

Район хўжаликларида ажойиб механик-ҳайдовчилар бор. Улардан ҳар қанча ўрнак олинса арзийди. Киров номли колхоздан Турсуной Охунова, Серикбой Бекжонов, Охунбобоев номли колхоздан Сарвар Шохбозов, Вали Саидов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Йўлдош Тўхтасинов, Ўктам Хўжамқулов шулар жумласидандир.

Ҳозир механик-ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш, ўқитиш тадбирлари кўрилмоқда. «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси қошида очилган механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсида ёшлардан 33 киши ўқимоқда. Кўпчилиги хотин-қизлардир. Кўпгина механик-ҳайдовчилар илғорлардан ўрнак олиб бу йилги мавсумда машина билан кўпроқ пахта териш мажбуриятини қабул қилмоқдалар. Жумладан 40 механик-ҳайдовчи мавсумда 100—140 тоннадан, 80 киши 70—90 тоннадан пахта теришга аҳд қилишган.

Лекин машина теримини муваффақиятли ва самарали ўтказиш машина терим технологиясига қатъий риоя қилишга боғлиқдир. Собир Раҳимов номли, «Москва» колхозларида, «Партия XXIV съезди» ва «Янгиобод» совхозларида ўтган йили машина билан пахта териш тўғри уюштирилмаган эди. Улар машина билан пахтани икки марта териш технологиясини бузганлар. Пахта 60—70 процент очилганда эмас, 30—35 процент очилиши билан машиналарни ишга солишган. Машиналар пайкални уч марта оралаган. Натижада учинчи терим биринчи ва иккинчи теримга нисбатан 18—20 сўм қимматга тушган.

Чинозлик пахтакорлар бу йил ана шундай камчилик ва хатоларга йўл қўймаслик, пахта йиғим-теримини ҳар тарафлама уюшқоқлик билан ўтказишга келишиб олдилар.

Б. ХАЛИЛОВ.

ИЛҒОР СУТ СОҒУВЧИ

Иш одатдагидек эрта бошланди. Ҳамма сут соғувчилар ўз вақтида фермага етиб келишди. Римма ғавмушларини соғишга киришди. Соғиб олинган сутни бидонга қуя туриб севиниб кетди. Ҳар кунгига қараганда 3 литр ортган. Яхши натижа.

Римма Крушкина «Оққўрғон» совхозининг сут фермасида ҳалол меҳнат қилиб, обрў топган аёллардан ҳисобланади. Донгдор сут соғувчи Муяввара Исҳоқованинг ташаббусига қўшилган Римма шу кунларда ҳар бир сигирдан кунига 14—15 литрдан сут соғиб олмоқда. У ўз боқимидаги 30 бош сигирининг ҳар биридан 4 минг литрдан сут соғиб олишга аҳд қилган.

Область Советининг депутати Римма Крушкина шу кунларда ўз аммасига олган юксак мажбуриятини муддатидан илгари бажариш учун шижоат билан меҳнат қилмоқда. Сигирларни ҳилма-ҳил тўйимли озуқалар ва хашаки илдиз-мевалар билан боқиб, серқаймоқ сут соғиб олаётир.

Д. ЖУМАНОВ.

ДЕҲҚОН МЕҲРИ БИЛАН

Олтин куз бошланди. Мўл ҳосилдан шохлари эгилган олмазорлар, катта-катта пайкалларда пишиб етилган нозу-неъматлар далага ҳар қачонгидан ҳам файз таратган.

Бўстонлиқ районидаги «Қизил туғ» колхозининг далаларида ҳам азамат деҳқонларнинг меҳри, пешона тери билан етиштирилган нозу-неъматлар кишининг завқини келтиради. Айниқса Айтбой Қолдибоев бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари баракали нозу-неъматлар етиштиришди. 43 гектар майдондаги сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ўз вақтида йиғиштириб олиниб, давлат қабул пунктларига жўнатилаётир. Пландаги 133 ўрнига 160 тоннага яқин карам йиғиштириб олинди. Давлатга помидор сотиш плани бажарилди.

Азамат сабзавоткорлар мажбуриятларини бажариш учун бутун куч ва ғайратларини сафарбар этишган.

М. ШОЮСУПОВА,
К. МАШРАПОВА.



БЎСТОНЛИҚ тоғлари мевали дарахтларга бой. Чирчиқ ўрмончилик хўжалиги коллективи тоғ бағрларига турли-туман мевали дарахт кўчатлари экиб, боғларини яна ҳам кенгайтирмоқдалар. Бу ерлардан ҳар йили кўплаб, ёнғоқ, бодом, олма сингари мевалар йиғиштириб олинаётир. Бу йил тоғ бодомлари мўл ҳосил қилди. Суратда: Таедан Дўсова.

И. Портнов фотоси.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЧУҚУР ҲУРМАТ БЕЛГИСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга Болгария Халқ Республикасининг қаҳрамони унвони берилганлиги тўғрисидаги хабарни социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг газеталари кўзга кўринадиган жойларда эълон қилмоқдалар.

Л. И. Брежневнинг портретларини, унга мана шу унвонни бериш тўғрисида Болгария Халқ Республикаси давлат кенгашининг фармонини ҳамда Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, Болгария Халқ Республикаси давлат кенгаши ва министрлар советининг Л. И. Брежневга йўллаган табрикномасини Болгариядаги газеталарнинг ҳаммаси ўзларининг байрам сонларидаги биринчи саҳифаларида «ўртоқ Леонид Ильич Брежнев — Болгария Халқ Республикасининг қаҳрамони» деган катта сарлавҳа остида босиб чиқардилар.

Болгария — Совет дўстлиги ва ҳамкорлиги, деб ёзади «ЗЕМЕДЕЛСКО ЗНАМЕ» газетаси социалистик қурилишнинг ғоят катта вазифаларини бажариш учун қудратли таянч ва асосий гарантия бўлиб турибди. Иккала мамлакат экономикаси тобора тўлиқроқ интеграция қилинаётганлиги давлат суверенитетимизни мустаҳкамлашнинг, миллий мустақиллигимизнинг, халқаро майдондаги кучимиз ва нуфузимизнинг негизи бўлмоқда. Шу сабабли, деб ёзади газета, келажакка қўйётган ҳар бир қадамимизга ўзларининг саҳий ва бегараз ёрдамлари билан мададкор бўлаётган совет қардошларимизни чин кўнгилдан табриклаймиз.

Ўртоқ Брежневга Болгария Халқ Республикасининг қаҳрамони унвони берилганлиги тўғрисидаги хабарни Польшадаги «ТРИБУНА ЛЮДУ» ва «ЖИЧЕ ВАРШАВИ» газеталари биринчи саҳифаларида босиб чиқардилар. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг органи бўлган бу газета шуни таъкидламоқдаки, Л. И. Брежнев Болгария—Совет дўстлигини ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришдаги ҳамда Болгария Халқ Республикасида социализм қуришдаги ғоят катта хизматлари учун, гитлерчилар фашизмини тор-мор келтиришда ва халқларни озод қилишда актив қатнашганлиги учун КПССнинг коммунизм қуришдаги бош йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳамда совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини ўтказишга шахсан ҳисса қўшаётганлиги учун шу фахрий унвонга сазовор бўлди.

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

БЕРЛИН, 11 сентябрь. (ТАСС). Қардош социалистик мамлакатларнинг ташқи сиёсатини мувофиқлаштириб олиб бориш — ҳозирги замоннинг ўзига хос хусусиятидир. Бу сиёсат муваффақият қозоналётганлиги туфайли инсоният кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш даврига қадам қўймоқда.

Германия Демократик Республикаси давлат кенгаши раисининг ўринбосари, Германия либерал — демократик партиясининг раиси М. Герлах ТАСС мухбири билан суҳбатда шу гапларни айтди. У СССРнинг иқтисодий қудрати бутун дунёда кескинликни юмшатиш ва ривожланиш муҳитини вужудга келтиришга кўп жиҳатдан ёрдам беради, деб таъкидлади.

Германия либерал — демократик партиясининг раиси яна бундай деди: Германия либерал—демократик партияси тинчликсевар кучларнинг Москвада бўладиган жаҳон конгресси катта муваффақият қозонишини учун, бу конгресс антиимпериалистик позицияларда турган барча ижтимоий кучларни тинчлик ҳамда кескинликни юмшатиш йўлидаги курашга сафарбар қилиши учун ҳамма чораларни кўрди.

———

Ж. ПОМПИДУ ПЕКИНГА КЕЛДИ

ПЕКИН, 11 сентябрь. (ТАСС). Франция республикасининг президенти Ж. Помпиду бугун расмий визит билан бу ерга келди.

Визит бир ҳафта давом этади.


———

ПАРТИЗАНЛАРГА ҚАРШИ КОМПАНИЯ

ЛОНДОН, 10 сентябрь. (ТАСС). Жанубий Африка республикасининг ирқий режим охранкаси Намбиядаги африкаликлар партизанларга қарши кампания уюштирди. Ҳар бир кўча, ҳар бир уй тинтув қилинмоқда. Агар кимда-ким партизанларга ёрдам берса, полиция уларнинг таъзирини бериб қўйиш билан қўрқитмоқда. Преториянинг ўзида ирқчиларнинг бебошлиги шу даражага бориб етдики, азалдан шу ерда яшаб келган африкаликларни ўз еридан куч билан қувиб чиқаришмоқда. Фақат бир кунниг ўзида 30 африкалик ўз ўйини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

БИРЛАШГАН «МИР» энергетик системаси кўплаб қардош социалистик мамлакатларни электр қуввати билан таъминлаб турибди. Яқин келажакда 400 минг вольтли давлатлараро электротрасса ишга туширилади. Суратда: Венгрия Халқ Республикасининг Гёд шаҳридаги қувватни пасайтиргич подстанцияси. Электр нури ана шу подстанция орқали Будапешт шаҳрига олиб келинади.

МТИ—ТАСС фотоси.



ТХАБКАНИНГ ИККИНЧИ ТУҒИЛИШИ

Бундан бир неча йил аввал Вьетнамдаги унча катта бўлмаган Тхабка шаҳри номини кўпчилик билмас эди. Тхабка Туенкуанг ва Иенбай вилоятлари чегарасига жойлашган бўлиб, унга тоғлар оша ва чакалакзорлар орқали борилар эди.

Ҳозир Тхабка — Вьетнам Демократик Республикаси янги иқтисодининг қурилиш рамзи бўлиб қолди. Бу ерда Совет Иттифоқи ёрдами ва техник ҳамкорлигида жанубий—шарқий Осиёда энг йирик бўлган гидроэлектростанция барпо этилди. Гарчанд бу электростанция ўз қуввати билан бизнинг энергетика гигантларимиз билан беллаша олмаса-да, унинг шимолий Вьетнам халқ хўжалиги учун аҳамияти жуда каттадир. Гидроэлектростанциянинг уч агрегатининг ҳар бири 37 минг киловатт қувватга эга.

Урушнинг оғир йилларида совет мутахассислари станция қурилишида вьетнамлик дўстлари билан елкама-елка туриб меҳнат қилдилар. Тяй анҳорининг шиддатли оқимини тўсган тўғон жуда қисқа муддатда барпо этилди. Совет инженерлари раҳбарлигида бетон, монтаж ишлари амалга оширилди.

Ўтган йилнинг 19 майида, Вьетнам Демократик Республикасининг биринчи президенти Хо Ши Мининг туғилган кунида станция фойдаланишга топширилди. Бироқ, 10 июнда Тхабка ГЭСи Америка авиацияснинг бомбалари остида қолди. Душман бомбалари бир неча йил машаққатли меҳнат билан буйёд этилган гидроэлектростанцияни... 40 минутда яксон қилди.

Тхабка станциясидаги қайта қурилиш вайронагарчиликнинг эртасиданоқ бошлаб юборилган эди. Меҳнат кечаси-ю кундузи давом этди. Мамлакатга электроэнергия зарур эди. Ханой ва бошқа шаҳарларда чироқ тезтез ўчиб турар, саноат корхоналари тўхтаб-тўхтаб ишларди.

Ишчиларнинг машаққатли меҳнати туфайли станция бомбардимон қилингандан икки ой кейин биринчи агрегат ишга туширилди. Вьетнамда тинчлик барқарор топганидан кейин иккинчи агрегат ҳам ток бера бошлади. Бу агрегатларни қайта тиклаш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Тхабка ГЭСи ўз қувватига кўра республикада ягона ҳисобланади. Унинг барча жиҳозлари Совет Итифоқида тайёрланган. Анжомларни Совет Иттифоқидан олиб келиш учун вақт тлаб этилар, бунинг устига уруш шароитида анча қийин вазифа эди.

— Станцияни қайта тиклашимизда бизга совет мутахассисларидан ўрганган тажриба ва билим қўл келди,— дейди станциянинг машина залн смена бошлиғи Чан Ван Нгоан. У ГЭС устига бомба тушганда ўз ишчи ўринда эди, агрегатни қайта барпо этишнинг биринчи кунинданоқ иштирок этди. Эндиликда Чан Ван Нгоан ғурур билан ишлаётган агрегатни бизга кўрсатди. Бунда унинг ҳам ҳиссаси борлиги билан фахрланади.

Чан Ван Нгоан Совет Иттифоқида бўлганини мамнунлик билан эслайди, Каxов ГЭСидаги устозлари ва дўстларининг номини ҳурсандчилик билан тилга олади. Чан Ван Нгоанга ўхшаганлар Тхабка станциясида кўпчиликни ташкил этади. Станция эксплуатация ишчиларнинг деярлик ярми Совет Иттифоқида, Каxов ва Вахш ГЭСларида тажриба ўрганишган. Станцияда меҳнат қилаётган 20 га яқин инженер ва мутахассислар СССР Олий ўқув юртларида ва ўрта махсус билим юртларида таълим олишган. Шунинг учун ҳам бу ерда меҳнат қилаётган ҳар икки кишининг бири билан рус тилида гаплашиш мумкин.

Ҳозир Тхабка ГЭСи республика энергосистемасида катта роль ўйнамоқда. У Шимолий Вьетнамда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг каттагина қисмини бермоқда. Бироқ ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Буни машина залига, 3-агрегат ўрнатилган жойга киришингиз биланоқ сезасиз. Темир-бетонлар, пўлат арматуралар ўрнатилиши ва пайвандланиши лозим. Бир неча юз квадрат метр ҳажмдаги девор қуриш керак. 3-агрегатнинг ўзини ҳам қайта тиклаб бўлмайди, уни алмаштириш лозим.

Бу ерда ҳам вьетнамлик дўстларга совет мутахассислари ёрдам қўлини чўзишди. Уларнинг айримлари станция қурилишида қатнашишди, мана энди Вьетнамга иккинчи бор келишди. Ҳамкорликда станцияни буткул қайта тиклаш лойиҳаси ишлаб чиқилди, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Тхабкадан қайтар эканмиз, вьетнам ва совет мутахассислари билан меҳнат ҳақида, бу ўлканинг ажойиб табиати тўғрисида, Вьетнам Демократик Республикаси энергетикасининг келажаги ҳақида суҳбатлашдик. Бу ўринд Совет Иттифоқи кўрсатиб келаётган катта ёрдам тилга олинди. Вьетнам Демократик Республикаси партия — ҳукумат делегациясининг ҳиндда СССРга қилган визити ва никала мамлакат ўртасидаги қўшма ахборотда бу ёрдам ҳам ҳам ўз аксини топган. Вьетнамда йирик электр станциялар қурилишида Совет Иттифоқи иқтисодий ёрдами бериши қўшма ахборотнинг асосий пунктлардан биридир. Қора анҳорда улкан энергетика гиганти қурилиши лойиҳалаштирилмоқда.

...Бизнинг «Газик»имиз Ханой томон йўл олди. Тхабка орқада қолди. Текис йўлда борар эканмиз, юқори вольтли электр симларни пўлат устунларни бизни гуё кузатиб қўяётгандек туюларди. Мана шу симлар мамлакат пойтахти Ханойни ёритмоқда, металлургиялар шаҳри Тхайнгуен, тўқимачилар шаҳри Намдинь ва бошқа катта ва кичик саноат марказларига электр қуввати бермоқда.

Мамлакатда электр энергиясига талаб катта. Вьетнам урушнинг оғир яраларини даволамоқда, янги тинч иқтисодий қурилишига қадам қўймоқда.

А. МИНЕЕВ,
Тхабка—Ханой.

ҚАДИМГИ ШАҲАР СИРИ

Улар олти киши: беш археолог ва бир шофёр. Бу кишилар ўз юртларида оилалари ва дўстларини қолдириб, қумлар орасидан қадимий Бақтрия давлати қолдиқларини топиш учун бу ерга, Шимолий Афғонистоннинг сахро районларига келишган.

Бу бой мамлакат кўпгина қадимги авторларининг асарларида тилга олинган. Улар афсонавий малика Семирамида ва унинг эри ассирия подшоҳи Ниннинг юришлари, Бақтриянинг форс шоҳи Кир томонидан босиб олиниши, бундан 2300 йил илгари Искандар Зулқарнайннинг форс шоҳи Дорэ устидан ғалаба қозониши, Бақтрия зодагонлари билан қариндош бўлиш мақсадида Искандарнинг гўзал Роксанага уйланганлиги тўғрисида хабар берадилар. Искандарнинг вафотидан кейин унинг буюк давлати инқирозга юз тутади.

СССР ва Афғонистон Фанлар академияси археология институтининг экспедицияси ҳалигача археологларнинг қадами етмаган районларда қидириш ишларини бошлаб юбордилар.

Қазиш ишлари олиб борилаётган жойдаги шаҳарнинг номи ҳозиргача номаълум. Лекин археологлар унга Далварзин қозон деб ном берdилар. Қазиш пайтида топиладиган ёзувлар, унинг ҳукмдорининг архиви ва бошқа буюмлар бунн тасдиқлаш мумкин, деб кшонса бўлади.

Шаҳар ўз сирларини аста-секин очмоқда. Унинг грек—бақтрия даврида пайдо бўлганлиги ҳозирдаёқ маълум бўлди. Ўша даврда қурилган ибодатхонанн қазиш археологларга кўп нарса сўзлаб берди. Ибодатхона уч хона ва айланма йўлакдан иборат бўлиб, эшиги шарқ томонга қараган. Хоналарнинг бирига тоқчалар қурилган. Унга бир вақтлар сопол ҳайкаллар қўйилган. Аммо ҳозир бу ҳайкаллар ерда синиб ётарди.

Реставраторлардан бири афғон Муҳаммад Тоҳир тоқчалардан бирнинн пичоқ билан тозалаганда, унинг орқасидан яна бир тоқча очилди. Бу тоқчалар янада қадимийроқ бир деворга ёндош қурилганлигини ва у деворда ёзув борлигини кўрган археологлар ҳайрон қолдилар. Қадимий деворнинг ҳом ғиштн осонгина ўрнидан кўчарди. Шу пайт олимлар кўз олдида гўзал бир нақш лавҳа намоён бўлди. Унинг четида икки ёш йигит оқ отларнинг жиловидан ушлаб турардн.

Қадимий нақш лавҳада Зевс ва Лединнинг ўғиллари — Диоскурлар акс эттирилганлигини англаш қийин эмасди. Бу эгиз акаукалар бизга грек мифларидан маълум. Аммо анча қадимдан уларнинг шахсига сиғинниб келганлар. Худди шундай эгиз ҳудолар Веда [қадимий достон]ларда ҳам типга олинади.

Диоскурлар эрамизга қадар II асрларда грек—бақтрия тангаларида ҳам акс эттирилган. Эҳтимол ибодатхона ўша замонда қурилгандир! Ибодатхона Диоскурларининг мажусий динига бағишланган бўлса керак. Кейинроқ бориб Грек—Бақтрия давлати кўчманчилар зарбаси остида ҳалокатга учрагач ва Қўшонлар подшолиги вужудга келгач, ибодатхона қайта қурилган ва бошқа ҳудоларга бағишланган. Мажусий диндаги ҳудолар акси ўчирилиб, уларнинг ўрнига ҳайкалар қўйилган ва ёзувлар чизилган. Иккинчи хонадаги ёзувлар айниқса қизиқарлидир. Унда Шива ва унинг хотини Парвати акс эттирилган. Улар ҳўкиз минib олганлар, атрофда эса совға келтирган бақтрияликлар ўтирибдилар.

Ибодатхона билан мудофаа девори ўртасидаги хоналарни қазиш яна қизиқроқ материаллар берди. Бу хоналарнинқг девори полихром билан ёзилган ёзувлар билан қопланган.

Деворда хилма-хил тасвирлар бор. Уларнинг тепасига ёзувлар битилган. Бу ёзувларни ўқиш кўп нарсаларни билиб олишга, эҳтимол тарихий шахсларни аниқлашга имкон беради. Аммо, ҳозирнинг ўзидаёқ бу ёзувлар шаҳарнинг сўнгги даврини акс эттиришн равшан бўлди. Экспедиция ўз ишини давом эттирмоқда.

«Огонёк» журналидан.

СИЛОС МЎЛ БЎЛАДИ

1-«Оҳангарон» совхози кенг майдонларда галла ва сабзавот етиштириш билан бирга, мўлкўл чорвачилик маҳсулотларя ҳам тайёрлайдиган хўжаликдир. Совхозда 2 минг бошдан ортиқ қорамол бўлиб, шундан 500 таси соғин сигир. Қорамоллар учун кўк поя силоси айниқса яхши озуқа эканлигини яхши тушунган совхоз чорвадорлари бу йил маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириб, силос бостирмоқдалар. 200 гектар ердаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 350 центнердан олиниб кўк ҳюя олиш планлаштирилган.

Маккажўхори ўрим-йиғимида ва силос бостиришда 14 кишидан иборат ем-хашак тайёрлаш бригадаси катта унум билан меҳнат қилмоқда. Маккажўхорини ўриш, силос қилиб майдалаш ва траншеяларга бостириш механизмлар воситасида бажарилмоқда.

Силоснинг сифатли бўлишида маккажўхорини ўз вақтида ўриб олиб, силос бостириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ишларни сифатли бажаришда механизаторлардан Узоқ Йўлдошев, Шокирбой Аслонов, Пиримқул Раимқулов ва бошқалар самарали меҳнат қилишяпти.

Совхозда бу йил 4 минг тонна силос бостирилади. Бундан ташқари 3 минг тонна сенаж ва 800 тонна пичан ҳам жамгарилади. Бу миқдордаги ем-хашак чорва молларини қ и ш ойларида озуқа билан мўл-кўл таъминлайди.

В. УРИЦКИЙ.

МАВСУМГА ТАЙЁР

Чиноз пахта тозалаш заводи коллективи беш йилликни ҳал қилувчи йилида азамат деҳқонларимиз етиштирган «оқ олтин» ҳосилини қабул қилиш учун авваддан тайёргарлик кўрди.

Жумладан, 35 транспортёр, 40 тележка, бошқа хил механизм ва анжомлар ремоитдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, техника хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғинга қарши воситаларни ҳозирлаш тадбирлари ҳам барвақт кўрилди.

Бу ишларнинг ҳаммасида цунят механизаторларидан Қаҳҳор Аҳмедов, Баҳром Абдурахмонов ва бошқа ходимларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар ўз корхоналарида қўлланиладиган барча техника воситаларини пухта созлаб, мавсумга ҳозирлаб қўйишди.

Чиноз пахта тозалаш заводи 1973 йил ҳосилини қабул қилиб олишга тайёр!

Г. ЮСУПОВ.

АКА-УКА МЕХАНИЗАТОРЛАР

Абдуваҳоб ва Эргаш Бойназаровлар Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозда кўп йиллардан бери механизатор бўлиб ишлашади. Улар 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш ва ҳосилнинг 90 процентини машиналар билан териб олишга аҳд қилганлар.

Ака-ука механизаторлар ҳамкорликда меҳнат қилиб, ғўза парваришини механизация воситасида бажардилар ва ҳар гектар ерда юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланишини таъминладилар. Шу кунларда звеноннинг пахта майдонларида мўл ҳосил етиштирилди. Ҳамма нарса машина терининн пухта ўтказишга мослаштирилган.

Ака-укалар ўз агрегатлари билан мавсумда 250 тоннадан пахта теришга қарор қилдилар.

ҲУШХАБАРЛАР

ЯНГИЙЎЛНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИ

Чинозга кетаверишда Ўрта Осиё машина синаш станцияси ёнидаги 304 гектарлик кенг майдонда Янгийўл районининг янги маркази бунёд этилмоқда. Район маркази лойиҳаси «Ўзгипрогор» институтининг инженер ва архитекторларидан А. Темиргалиев, Г. Хамидова ва А. Гуломов ўртоқлар томонидан яратилди. Лойиҳада бу ернинг шарт-шароитлари тўла ҳисобга олинган. Марказда тўрт қаватли маъмурий ва турар-жой бинолардан ташқари 6 та болалар боғча ва ясилари, 2 та мактаб, маданият уйи, маданият саройи, ҳаммом, меҳмонхона ресторан, кафе, 600 ўринли кинотеатр ва бошқа бинолар қўкка бўй чўзади. 200 ўринли касалхона, 3 та дорихона, поликлиника, 5 минг номерга мўлжалланган автомат телефон станцияси қурилади.

Лойиҳачилар район марказини ва унинг атрофини кўкаламзорлаштириш, бу ерда дам олиш зонасини яратишга алоҳида эътибор беришган. Ўн беш гектар ерда сўлим боғ, мовий кўл яратилади. Ҳозир район марказини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Қурилиш учун зарур бўлган йирма темир-бетон конструкцияларини Тошкент уйсозлик комбинати етказиб бермоқда.

РЕКОНСТРУКЦИЯ ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

Оққўрғон тўқимачилик галантерея фабрикаси коллективи аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Пахтани қайта ишлаб чиқаришни жадаллаштириш мақсадида цехларни реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш икки ярим баравар кўпаяди. Корхона 1975 йилга бориб аҳоли эҳтиёжи учун қайта ишланган беш минг тонна пахта ва 5 миллион сўмлик трикотаж буюмлари етказиб беради.

Оржоникидзе районидаги хўжалик буюмлари фабрикаси кенгайтирилмоқда. Фабрика участкаларида ишлаб чиқариш майдонида янги ускуналар ўрнатилиб, эскилари реконструкция қилинаяпти. Қурилиш ишлари ниҳоясига етгач рўзғорбоп буюмларнинг янги хилларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Бундан ташқари, Чирчиқдаги рўзғор буюмлари фабрикаси ҳам кенгайтирилмоқда. Реконструкция ишлари ниҳоясига етгач корхонада қариз, қасқон, тўр халта ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча кўпаяди.

БИЛИМ ЮРТИГА БИНО

Бу ҳунар-техника билим юрти республикамиздаги тўнғич даргоҳлардан. Мана ярим асрдирки, у муносиб ўринбосарлар тайёрлаб келмоқда.

Тошкентдаги 31-ҳунар-техника билим юртига шу янги ўқув йили арафасида яхши совға ҳозирланди. Тўрт қаватли ўқув корпуси қуриб битказилди. Янги бинода ўқув заллари, лаборатория ва устахоналар жойлашади.

Келгуси йили эса билим юртининг иккита ўқув цехи ишга туширилади.

УЙЛАРДА ТУЙЛАР


КУНИ-КЕЧА Чилонзорнинг 26 кварталида ажойиб турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Бино беш қаватли бўлиб, унинг пастки қаватига маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинати жойлашди. Бу ерда 20 дан ортиқ ходим хизмат қилади. 60 оилага мўлжалланган бу уйда шаҳар меҳнаткашлари ҳовли тўйлари ўтказадилар.

Бу уйнинг ёнида яна 90 квартирали турар-жой биноси қад кўтармоқда. У шу ойнинг охирларида ишга туширилади. Унинг пастки қаватига озиқ-овқат ва саноат моллари магазини жойлашади. Бу қулайликлардан чилонзорликлар мамнун.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



МОЛДАВИЯ ССР. Григориопольск районидаги «Прогресс» колхози бу йил 2000 тонна узум топшириш мажбуриятини олган. Бу планда кузда тутилганидан икки баробар кўп. Хўжалик боғбонлари ҳосилнинг дастлабки тонналарини Москва, Ленинград, Горький, Свердловск ва бошқа шаҳарларга жўнатдилар. Суратда: Е. Брага узум теримида.



ЛИТВА ССР. Клайпедадаги Ғарбий кемасозлик заводини бунёд этишда қатнашган Москва, Ленинград ва клайпедалик бир группа лойиҳачи ва қурувчилар СССР Министрлар Советининг мукофотига сазовор бўлди. Ғарбий бассейнда энг йирик корхоналардан бири бўлган бу заводда йирик кемалар ремонт қилинмоқда. Суратда: завод участкаларининг бирида.



НОВОСИБИРСК ОБЛАСТИ. «Первомайский» хўжалиги ғаллакорлари ўзаро мусобақани қизитиб, шу йилнинг ўзида давлатга ғалла топшириш бўйича беш йиллик планни бажариш ниятидалар. Суратда: ҳосилни ўриб олиш пайти.

Е. Дарйшпер, А. Алекнавичюс, А. Поликов фотолари ТАСС фотохроникаси.

Китоблар оламида

ЎҚУВЧИ, БИЛИМ, БАҲО

Совет мактаби зиммасига ҳар томонлама камол топган билимдон ёшларни вояга етказишдек вазифа юкланган. Шу эзгу ишни сидқидилдан билан ўтаётган ўқитувчилар учун кейинги йилларда кўпгина методик қўлланмалар яратилди.

«Ўқитувчи» нашриёти яқинда яна бир китобчани тақдим этди. Педагогика фанлари кандидати, доцент Раъно Салкаеванинг «Ўқувчилар билимига баҳо қўйишнинг тарбиявий аҳамияти» деб номланган бу китоби мазмун ва мундарижаси билан диққатга сазовор. Унда таълим-тарбия ишининг энг мураккаб масаласи ҳисобланган баҳо ва унинг бола тарбиясида тутган ўрни хусусида бахс юритилади, айниқса ёш ўқитувчилар, ҳатто ота-оналар учун қимматли фикрлар баён қилинади. «Ўқитувчининг билимга баҳо қўйиш жараёнидаги тўғри хатти-ҳаракати,— деб ёзади олима,— ўқувчилардаги ҳақиқий билимни аниқлашга имкон беради, ўқувчиларни ортиқча ташвишлардан, ўқитувчининг сўраб қолишларидан қўрқиш ва ўз устидан ишонмаслик ҳолатларидан қутқаради... Бундай вазият ўқитувчининг баҳони объектив асосланган ҳолда қўйиши, ўқувчилар билан ҳушмуомалада бўлиши, уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши ва тарбияси ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб бориши натижасида яратилади».

Автор бола билимига баҳо қўйишнинг моҳияти ҳақидаги фикрини атоқли педагоглар ва олимларнинг бу хусусда айтганлари мисолида далиллайди. Кўпчилик ўқитувчилар тажрибасида кўринганидек, баҳо дарснинг бошланиш қисмида қўйилади. Аммо, машғулотнинг турли қисмларида баҳо қўйиш ва ундан тарбиявий мақсадларда фойдаланишнинг фойдали жиҳатлари мавжуд. Бу тўғрида тажрибакор ўқитувчилар, илғор мактаблар ишидан ибратли мисоллар келтирилади.

«Ўқитувчининг баҳо қўйиш муҳокамасидан фойдаланиш методикаси» бобида билдирилган фикрлар ҳам қизиқарлидир. Шўнингдек «Билимга баҳо қўйиш жараёнида ўқувчилар билан индивидуал муносабатда бўлиш йўллари», «Ўқувчиларнинг билимига баҳо қўйиш муносабати билан уларнинг индивидуал ўсиш хусусиятлари» каби боблари тўғрисида ҳам нкобий фикрни айтиш мумкин. Олима кузатишлар, эксперимент натижасида келиб чиққан хулосаларига таянган ҳолда иш кўради. Бу эса китобнинг ўқимишли ва қизиқарли бўлишига олиб келган.

Аммо, бундай фойдали қўлланманинг ҳозирги босилган нусхаси озлик қилиб қолган. Шунинг учун бу китоб қайта нашр қилинади деган умиддамиз.

А. ТОЖИХЎЖАЕВ,
Р. УСМОНОВ.
педагоглар.

КИЧИК ЭКРАН АНЖУМАНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкентда очилган V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали катта муваффақият билан давом этмоқда. Шу кунлари пойтахтимиздаги округ офицерлар уйи иттифоқдош республикалар ва қардош социалистик мамлакатлар «телефильм» ижодий уюшмалари йўлланмаси билан келган меҳмонлар билан гавжумлашиб кетди. Улар ичида ранг-баранг ва қизиқарли телевизион фильм ижодкорлари бўлиши — сценарий авторлари, режиссёр ва операторлар, етакчи артистлар бор. Уч группага бўлиниб, ўз ролларини бошлаган жюри аъзолари дастлабки фильмларни томоша қилиб, уларга баҳо беришмоқда.

Мухбиримиз И. Юсупов Тошкент фестивалида иштирок этаётган Приморье ўлкаси, Туркманистон, Саратов телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети раислари билан учрашди. Улардан «Телефильм» уюшмаси ижодий коллективларининг қўлга киритаётган ютуқлари, Тошкентга олиб келган фильмлари ва келгуси иш режалари тўғрисида, гапириб беришни илтимос қилди.

„ЗАНГОРИ ЭКРАНДА" БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

С. ЮРЧЕНКО,
Приморье ўлкаси телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг раиси.

БИЗНИНГ ижодий уюшма телевизион фильмларни 1960 йилдан бошлаб экранга олиб чиқабошлади. Ўн уч йил ичида юздан ортиқ бир-биридан қизиқарли ва таъсирчан фильмларни суратга олиб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилдик. Шунингдек, «Дальтелефильм» студияси дунёнинг йигирма мамлакатидан телевизион буюртма олди. Ижодий коллектив томонидан суратга олинган Шарқни забт этаётган меҳнат қаҳрамонлари, табиий бойликлар, фан ва техника янгиликлари акс эттирилган. Кўпгина фильмларда завод ва фабрикаларда меҳнат қилиб, зарбдорликни қўлдан бермаётган беш йиллик илғорлари бош қаҳрамон ҳисобланади.

«Дальтелефильм» планида ҳарбий-ватанпарварлик темаси етакчи ўринни эгаллайди. Ўлкамизни чегара районида жойлашгани муносабати билан биз ўз диққат эътиборимизни ана шу ҳарбий-ватанпарварлик темасини кенг кўламда ёритишга қаратганмиз. «Интилар Варягда хизмат қилади», «Учишга рухсат бераман», «Қизил байроқли Тинч океан хизматчилари», «Мусаффо горизонт» каби телефильмлар мамлакатимиз томошабинларининг олқишига сазовор бўлди.

1972—1973 йиллар ичида мамлакатимиз телеэкранига «Ўз имзоингни қолдир», «Цемент», «Ер ҳайдовчилар», «Арктика» каби ҳужжатли фильмлар чиқди. Бу лентларда «Шарқ портини бунёд этаётган ёш қурувчилар, дала меҳнаткашлари, кичик авиация учувчилари, балиқчиларнинг шу кунги меҳнат фаолиятлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

1972 йилда СССР Олий Советининг сессияси табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Телефильм ижодкорлари шу қарорга биноан кўплаб ранг-баранг лентларни суратга олишди. Уларда табиатни муҳофаза қилиш масалалари кўтариб чиқилган.

Биз улкан режаларни тузиб чиққанмиз. 1974 йилда таниқли қранчи Мария Попованинг меҳнат фаолияти ҳақида, Уссурийск шаҳрида мавсумга тайёргарлик кўришмоқда.

ҚАҲРАМОНЛАР ЁНИМИЗДА

Е. АННАҚУРБОНОВ,
Туркманистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг раиси.

ТОШКЕНТ фестивалида «Туркмантелефильм» ижодий коллективи кучи билан яратилган «Совет Туркманистони» номли рангли, тўлиқ метражли фильм намойиш этилади. Бу қизиқарли лентада Совет Туркманистонининг ярим аср мобайнида босиб ўтган қаҳрамонлик йўли ўз аксини топган. Ленин мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Байрам Оллобердиев ҳақида ҳикоя қилувчи «Вахта етакчиси» фильмида республикамизнинг донгдор пармаловчисининг кундалик меҳнат фаолиятини ишонарли равишда очиб берилган. Маълумки, Чоржўй суперфосфат заводининг иноқ коллективи Ўрта Осиё далаларига кўп миқдорда минерал ўғит етказиб бермоқда. «Бир завод рационализаторлари» деб номланган бу лентада шу корхонада самарали меҳнат қилиб, улкан ғалабаларни қўлга киритаётган илғор ишчилар ўз аксини топган. Фестивалда «Шодлик» рангли бадиий фильм ҳам намойиш этилади.

Келгуси планларимиз улкан. Биз Совет Туркманистонининг қардош республикаси оиласида барқ уриб ривожланаётганлигини кўрсатувчи, матонатли кишиларимизнинг меҳнатдаги ютуқларини ифодалаб берувчи, фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқларимизни намоён этувчи қизиқарли фильмлар устида иш олиб борамиз.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ


Е. КУЛЬЖОНКОВ,
Саратов область телевидение ва радио комитетининг раиси.

БЕШ йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида Саратов области меҳнаткашлари ватанга 280 миллион пуд дон етказиб беришмоқчи. Бу халқимизнинг Ватан олдида берган сўзлари қатъийдир. Телефильм ижодий уюшмаси коллектив аъзоларни мана икки йилдирки, «Машақатли нон» туркумидан бир қатор телефильмларни ишлаб чиқишди. Уларда областимиз далаларида самарали меҳнат қилиб бойлик яратаётган деҳқонлар, механизаторлар ҳақида ҳикоя қилинади. Минскда бўлиб ўтган тўртинчи Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивалида «Машақатли нон» туркумидан намойиш этилган фильмлар катта совринни олишга муяссар бўлишди.

Биз Тошкентга сўнгги икки йил ичида тайёрланган телевизион фильмларнинг энг таъсирчан ва жозибалилигини олиб келдик. Булар Саратов областидан Қозоғистон далаларига кириб келган 140 километрлик канал, янги бунёд этилаётган микрорайонлар, завод корпуслари ҳақида ҳикоя қилувчи лентalardир.

Тошкентда бўлиб ўтаётган телевизион фильмлар фестивали кичик экран ходимларининг катта кўриги бўлиб хизмат қилади.

Волгоград область «Телефильм» ижодий коллективи томонидан яратилган «Буюртма» (чапда) ва «Оловкор кишилар» телевизион фильмларидан кадрлар.





Спорт

СОВЕТ ПОЛВОНЛАРИ ЮТУҒИ

Эркин кураш бўйича Техронда ўтказилган жаҳон чемпионатида совет спортчилари олтита олтин медаль билан тақдирландилар. Бу юксак мукофотга Р. Дмитриев, З. Абдулбеков, В. Сюльжин, Л. Тедиашвили, И. Яригин, С. Андиев сазовор бўлдилар. Кумуш медалларни А. Алахбердиев, Н. Насруллаев, Р. Ашуралиев қўлга киритишди. Яна бир полвонимиз В. Юмин бронза медалини олди. Шундай қилиб, совет командасининг ҳамма аъзоси мукофотли бўлди. Улар олишувларда зўр ирода кучини намойиш қилдилар. Масалан, жаҳон чемпиони Загалав Абдулбеков эроклик Муҳаммад Навоий билан бел беллашиб, ғалаба йўлида юксак сабот-матонатини намойиш этди. Совет полвони оёғи шикастланиб қолган бўлсада, минг-минглаб томошабинлар рағбатлантириб турган эроилик полвоннинг ҳужумларини бартараф қилиб, дурангга эришди. Бу дуранг унга олтин медаль олиш имконини берарди.

ШАЙБА УЙИНДА

Хоккей бўйича Совет Иттифоқи йигирма саккизинчи чемпионати мусобақалари бошланди. Аввалги йилгидек яна олий лиганинг тўққиз командаси чемпионлик учун баҳслашади. Биринчи тур ўйинларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Трактор» (Челябинск)—«Химик» (Воскресенск) — 1:3, СКА (Ленинград) — «Динамо» (Москва) — 3:9, «Торпедо» (Горький) — ЦСКА — 2:4, «Крылья Советов» (Москва) — «Спартак» (Москва) — 5:5.

Иккинчи лига хоккей командалари бироз кейинроқ стартга чиқишади. Бу лигада мусобақашадшувчи Тошкентнинг «Спартак» командаси биринчи ўйинини 23 октябрда ўтказади. Ҳозир спартакчилар Электросталь шаҳрида мавсумга тайёргарлик кўришмоқда.

ЧЕМПИОН АНИҚЛАНМАДИ

Қизлар ўртасида шахматдан Тошкент биринчилигида 20 спортчи иштирок этди. Бирйўла тўрт шахматчи,— Елена Елина, Ирина Рубинчик, Аня Бабушкина, Наташа Бабкова бир хил кўрсаткич билан маррага келдилар. Улар етти имкониятдан беш яримтадан очко тўплашди.

Пойтохт чемпионини аниқлаш учун юқоридаги тўрт голиб ўртасида октябрь ойида ўзаро матч ўтказилади.

ҲАР ТЎҒРИДА

ВЕЛОСИПЕД КОНКУРСИ

Польшада энг яхши велосипед конструкцияси учун махсус конкурс ўтказилди. Унда ўнлаб техника ҳаваскорлари ўзлари ясаган қўл бола велосипедларини намойиш қилишди.

Конкурс жюриси конструктор С. Гарбенянинг ишини алоҳида тақдирлади. Сотувда бўлган хилма-хил қисмлардан ясалган бу велосипед атиги 17 килограмм бўлиб, унда болалар велосипедининг ғилдиракларидан фойдаланилган.

МИТТИ ЛАМПОЧКАЛАР

Автомобиллар, самолёт ва электрон-ҳисоблаш машиналаридаги кўрсаткич шкалаларини ёритишда митти лампочкалар қўлланилиши ҳаммага маълум. ГФРда чиқарилаётган янги хил ёритгичлар бунда жуда қўл келади.

Ҳамма гап шундаки, мазкур митти лампочкалар хилма-хил зарба ва тебранишларга яхши чидаш беради. Шунингдек, улар ўн минг соатдан то юз минг соатгача бемалол ишлайди ҳамда қизил, яшил, кўк ёки оқ рангларда нур таратади.

АЖОЙИБ МОСЛИК

АҚШ тадқиқотчиларидан бир группаси 400 кишини махсус текширувдан ўтказиб, кишилар қон группаси билан улар юз қиёфаси ўртасида мослик бўлишини аниқлади. Шу кишилар вазни, қўл оёқларининг узунлиги ва бош суягини катталиги билан улардаги қон группаси ўртасида маълум даражада мувофиқлик бор экан.

ЯНГИ УСУЛ

ГФР кимёгарлари оқар сувлар қай даражада ифлосланганлигини бактериялар ёрдамида аниқлаш усулини ишлаб чиқдилар.

Оқар сувларда бўладиган бактериялар маълум даражада кислород ютадилар. Демак, арик ёки анҳорларда кислород қанчалик кам бўлса, бактериялар шунча кўпаяди. Ва аксинча, оқар сувда заҳарли моддалар кўпайса, бактерияларда модда алмашинуви секинлашиб, сувда кислород тўпланиб қолади. Янгича усул ана шу мутаносибга асосланган.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — Ота-оналар университети. 19.15 — Ахборот. 19.30 — «Коммунист» программаси. 20.00 — Ўн минут мусиқа. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Фестиваль қатнашчилари билан учрашув. 21.15 — Пахта терими кундалиги. 21.30 — Концерт. 22.00 —«ВАҚТ». 22.30 — **Футбол:** «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев).
ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.15— МОСКВА. 17.20 — Янгиликлар. 17.30 — Кашталар. 18.00 — Москва ва москваликлар. 18.30 — Қўшиқ байрами. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ҳужжатлар ҳақида ҳикоялар. 20.00 — Концерт. 20.55 — **Инженер Промчатов** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 22.00 ТОШКЕНТ. «Здоровье». 22.30 — ЧАШМА (такрорий кўрсатув).
УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. V Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалига тақдим этилган ҳужжатли, бадиий ва мусиқали фильмлар намойиши. 20.10 — Тошкент янгиликлари. 20.25 — Ўқув кўрсатуви.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IX да **Ой тутилган тунда**, 13/IX да **Олтин девор**, 14/IX да **Абу Райҳон Беруний**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 12/IX да **Менинг жаннатим**, 13/IX да **Жон қизлар**, 14/IX да **Ўжарлар**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Привалов миллионлари (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).
Геркус Мантас — «ЧАПКА» (12.00, 15.00 18.00, 20.45). «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45). «МОСКВА» (12.00, 14.30, 17.00, 21.00). «ДРУЖБА» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45).
Қизлар қасамёди — «СПУТНИК» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (куфт соатларда, кундуз ва кечқурун).
Аччиқ гуруч — «СПУТНИК» (тоқ соатларда — кундуз ва кечқурун).
Фантомас (2, 3 сериялар) — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.30).
Дайди — «КЎКЧА» (11.00, 14.00, 17.20, 20.30).
Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.10, 20.20).
Бошсиз чавандоз — «МОСКВА» (10.00, 19.30).
Михай ботир (2 серия) — «ДРУЖБА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР. ТЕЛЕВИЗИОН ФИЛЬМЛАР БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИ КУНЛАРИДА
21 сентябргача
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТЕЛЕВИЗИОН АТЕЛЬЕЛАРИ
аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида узайтирилган иш куни тартибида

ИШЛАЙДИ

Агар Сизнинг телевизорингиз ёки антеннангиз бузилиб қолса, маҳаллий телеателье хизматингизга тайёрдир. **Телевизион ателье**лар ҳар куни соат 9.00 дан 21.00 гача ишлайди.

Агар шошилинч суратда телевизор ёки антеннангизни ремонт қилдирмоқчи бўлсангиз, телефон орқали мурожаат қилинг, малакали радиомеханик дарҳол хизматингизга келади. Телевизион ателье доим хизматингизга тайёрдир.

Тасодифий кишилар хизматидан фойдаланманг. Хоҳлаган вақтда бизга телефон қилинг.

ҚУЙИДА ТЕЛЕВИЗИОН АТЕЛЬЕЛАР АДРЕСИ ВА ТЕЛЕФОНЛАРИ КЕЛТИРАМИЗ:

Олмалиқ — К. Маркс кўчаси, 16- уй, **телефон 27-28;**
Ангрен — Южная кўчаси, 72-уй, **телефон 23-55;**
Оҳангарон — 3-микрорайон, 18-уй;
Чирчиқ — Октябрьская кўчаси, 13«а»-уй, **телефон 6-30-47;**
Бекобод — Октябрьская кўчаси, 37-уй, **телефон 35-57;**
Янгийўл — Чехов кўчаси, 9-уй;
Ғазалкент — Киров кўчаси, 6-уй;
уй;
Бўка — Гагарин кўчаси 16/2 уй.
Янгибозор — Маиший хизмат уйи;
Калинин — Назарбек посёлкаси;
Қибрай — Автостанция ёнида;
Тўйтепа — Островский кўчаси, 1-уй;
Чиноз — Олмозор посёлкаси;
Инқилоб — Камсомольская кўчаси;
Зафар — Зафар посёлкаси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В36495. Редактор ўринбосарлари—В35885, В37916. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши, ахборотва спорт бўлимлари — В35811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В37045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 03668. Индекс 64634.